



Чоршанба

# Маҳалла

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри Чоршанба кунлари чиқади

- 2** Бошини кўтариб яшаётган аёл
- 3** Наврўзда борлиқ ободдир
- 4** Олтин, кумуш, қўрғошндан ясалган ... қозон
- «Одамларга муҳаббатли бўлайлик!»
- Ҳашар бунёдкор элга ярашар!
- Муҳтожнинг «муҳтож»дан фарқи бор!

8 март — Халқаро хотин-қизлар куну

*Байрамингиз кутлуг бўлсин, маҳалла юмушида фаол аёллар!*



**Тасаввур қилинг:** бир замонлар номигагина фаолият юритаётган маҳалла ишида аёллар иштирокини ҳатто тасаввур қилиш ҳам мушкул эди. Бугун — юртимиз мустақиллиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳаллаларга яратилган имкониятлар натижасида маҳалла ишини аёлларимиз фаолигисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

2-саҳифага

**Бокс олами**  
**ЧАГАЕВ — ВАЛУЕВ: КИМНИНГ ИМКОНИАТИ ЮҚОРИ?**  
Яқинда боксчилар ўзбекистонлик Руслан Чагаев ва россиялик Николай Валуев ўртасида бўлиб ўтадиган жанг муддати эълон қилинди. «Sauerland Event» промотерлик компаниясининг вакили Крис Мейернинг айтишича (Николай Валуев шу компаниянинг аъзоси), улар Руслан Чагаевнинг манфаатини ҳимоя қилувчи «Universum» компанияси раҳбарияти билан келишган ҳолда жанг ўтказиладиган кунни 14 апрел деб белгилашган.

28 ёшли Руслан бу жангга Германияда тайёрлар кўрмоқда. Энг асосий оғзи — чемпионлик унвонини кўлга киритиш эканлигини у кўп марта айтиб.

Эслаб ўтамиз, ҳаваскор бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони бўлган жамуртимиз Руслан Чагаев профессионал рингда 23 та жанг ўтказиб, шундан 22 тасида ғалаба қозongan (17 марта рақибларини муддатидан аввал мағлубиятга учратган). Фақат битта жанги дуранг натижа билан аяқланган.

Ўзбекистон профессионал бокс уюшмаси вице-президенти Дониёр Эргашевнинг айтишича, кўпчилик жамурларимиз Русланинг бу жангга ғолиб бўлишига ишонч билдиришмоқда.

Николай Валуев WBA йўналиши бўйича чемпионлик унвонини 2005 йил 17 декабрда кўлга киритган эди. Ундан кейин ҳам бир неча бор у ушбу унвонни сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Бу сафар эса кимнинг имконияти устун келишини 14 апрелдаги жанг кўрсатади.

«Press-uz.info»

**Mahalla**  
— Яна нима дейди?  
— Байрам тадориги эсдан чиқмасин, — дейди...

Тошкент шаҳри  
**ФАОЛЛАР УЧУН БАЙРАМ ТАДБИРИ**

«Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими томонидан Хотин-қизлар байрами муносабати билан пойтахтдаги «Техрон» ресторанида ташкил этилган байрам тадбирига жамғарма ва маҳалла тизимида фаолият юритаётган фаол аёллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, меҳнат фахрийлари, бир гуруҳ олималар ва шоирлар таклиф этилди. Тўқин дастурхон атрофида жамланган тadbир иштирокчиларини жамғарма ходимлари кизгин кутладилар. Тадбир сўнгида ҳар бир иштирокчига ҳомийлар совғаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, оила ва жамиятда мавқеини юксалтириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳасига кенг жалб этиш борасида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**АЁЛЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА**

Тошкент вилояти ҳокимлигида мазкур Фармон ижросини таъминлаш ҳамда 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда бугунги кунда вилоят шаҳар ва туман, қишлоқ ва маҳаллаларида хотин-қизлар кўмиталари томонидан аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Вилоятда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 51 фоиздан кўпрогини аёллар ташкил этади. Уларнинг 60 мингдан ортиги вилоят саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилмоқда. Сақиз минг нафарга яқин хотин-қиз ўз фермер хўжаликлари, кичик корхоналарига эга. Улар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Хотин-қизларнинг 60 минг нафари лицей, мактаб ва коллежларда, олий ўқув юртиларида, 40 мингга яқини соғлиқни сақлаш, 16 минг нафари маданият муассасаларида фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январда

қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш натижасида етти мингга яқин аёл касаначилик асосида иш билан таъминланди.

Йиғилишда халқимизнинг қадим анъаналарини, маънавий-ахлоқий қадриятларини ўсиб келаётган ёш авлод онгига синдириш, уларни меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат ва садақат руҳида тарбиялашда хотин-қизларнинг алоҳида ўрни борлиги қайд этилди. Шу билан бирга, аёлларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва тиббий маданиятини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш зарур.

Байрам муносабати билан 35 та маҳаллага сўнгги русумдаги компютер жамланмаси, фаол хотин-қизларга қимматбахо совғалар топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Л.СУВОНОВ,  
Ў.А. МУХИРИ.

**Юртимизда Наврўз тараддуди — ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда**  
**10-11 март — умумхалқ хайрия ҳашари кунлари**

**Баҳор келди! Кундан-кунга замин бағрига ҳарорат югурмоқда. Замин бу ҳароратни бутун борлиққа меҳр билан тупмоқда, шу ҳарорат муҳр тафтидан майсалар бош кўтариб, дарахларнинг яланғоч таналари гулдан либос киймоқда. Замин бағридаги иссиқ ҳарорат биз инсонлар қалбига кўчса не ажаб. Ахир шу ҳарорат эмаси жумла мавжудот бағрига кўклам соғинчини солувчи? Аслида меҳр-муҳаббат қудрати ҳам шу ҳароратдандир. Майса илдизини, дарахлар кўртасида яширинган меҳр юракларимизда ҳам жўшмоқда. Кўкلامни келинчақка менгашимиз хато эмас. Ана, қаранг, у гўзал келинчақ мисол бутун борлиққа сепини ёймоқда, у биз томон Наврўзни — янги кун, янги रिқ-рўзни етаклаб келмоқда.**

Дунёда меҳр-муҳаббат ўлмаганидек, Наврўз ҳам ана шу меҳр-муҳаббат тимсоли сифатида абадийдир. Бугун қай гўшага боқманг, Наврўзга зўр тараддудни кўрасиз. Айниқса, юртимиз маҳаллаларида умумхалқ байрамга тадорик кизгин. Яқинда Юртобшимиз томонидан имзоланган «Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарор юрtdошларимиз руҳиятида байрам кайфиятини уйғотиб, Наврўз байрамига ҳозирлик борасидаги ишларни авжлантириб юборди.

Қарорда таъкидланганидек, бу йилги Наврўз ҳар бир гўшада — барча ташкилотлар муассасалар, қишлоқлар, маҳаллалар, овуларда уюшқоқлик билан нишонланади.



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Байрам нафаси кирмаган биронта хонадон, байрам руҳияти сингмаган биронта юрак қолмайди юртимизда. Халқ сайиллари, оммавий томошалар, спорт мусобақалари ва турли халқ уйинлари байрам тadbирларининг асосини ташкил этади. Байрам тadbирларини маданий-маърифий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш борасида ташкилий ишлар авжа чиққан ушбу кунларда жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тadbирлари ҳам кизгин кечмоқда. Сабаби, Қарорда март ойи юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб, 10-11 март кунларида эса умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши белги-ланганиги юрtdошларимиз қалбига ғайрат-шижоат ўтини солгани аниқ.

Давоми 3-саҳифага

**Расмий хабар**  
**ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг 6 март куну телефон орқали сўзлашуви бўлиб ўтди. Президентлар икки томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, Марказий Осиё минтақасидаги вазит юзасидан фикр алмашдилар, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги қарашлар муштарак эканлигини таъкидладилар. (ЎзА)

**Харакат дастури — амалга**  
**ОҚСОҚОЛ — ҲАР СОҲАДА ЕТАКЧИ БЎЛСИН!**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан тасдиқланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури»га асосан жойларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) учун ташкил этилаётган ўқув-семинар машғулотлари давом этмоқда.

Тошкент вилояти  
**ИБРАТИ ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШДИ**

Газетамизнинг ўтган соҳида вилоятнинг 4 та ҳудудида ўқув-семинар машғулотларининг бир қисми бўлиб ўтгани ҳақида хабар берган эдик. Ўтган ҳафта охирида Урта Чирчиқ, Охангарон, Бўка ва Бекобод туманларида ҳам ўқув тadbирлари ташкил этилди.

— Оқсоқолларимиз орасида катта билим ва малакага эга бўлганлари ҳам талайгина. Шу боис ўқув-машғулотлари нафақат соҳа етакчилари, олим ва мутахассисларнинг маърузалари, балки йиғин раисларининг ибратли тажрибаларини оммалаштириш имконияти мавжудлиги билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси К.Шодиметов.

Дарҳақиқат, машғулотлар давомида оқсоқоллар ўзларини кизиктирган барча масалаларга оидлик киритиш имкониятига эга бўлдилар. Туртга ҳудудда ташкил этилган ўқув жараёнида иштирокчилардан умумий ҳисобда 180 та савол келиб тушгани ва уларга асосли жавоблар берилгани фикримиз тасдиғи.

Тошкент шаҳри  
**МАЛАКАСИЗ ОҚСОҚОЛ ЙИГИНИ БОШҚАРА ОЛМАЙДИ**

2-3 март кунлари пойтахтимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Чилонзор, Миробод, С.Раҳимов ҳамда М.Улугбек туманларида ташкил этилган ўқув-семинар машғулотларида иштирок этишди.

Ўқув тadbирларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Тошкент Давлат Юридик институти олимлари, Адлия вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари маъруза қилишди.

— Пойтахт маҳаллаларида республика миқёсининг бошқа ҳудудлари нисбатан кўпсонли ва турли миллатга мансуб аҳоли истиқомат қилади. Шу сабабли уларнинг хоҳиш-истаклари, талаб ва эҳтиёжларига бирдек жавоб қайтариш маҳалла оқсоқолларини изланувчанлик, ташаббускорликни талаб этади. Қолаверса, шаҳримиз кун сайин, соат сайин, ҳатто дақиқа сайин ўзгаришлар, янгилинишлар оғушида. Тошкент маҳаллаларида кечаю кундуз ҳаёт тўхтамайди. Ҳўш, бундай вазиятда ўртача савиядаги, бундайроқ тажрибага эга, малакаси ҳаминқадар оқсоқол йиғинини бошқара олиши мумкинми? Ушбу ҳаётини талаблардан келиб чиқиб, ўқув-семинар машғулотлари давомида биз йиғин раисларига, ҳар томонлама мустаҳкам билим ва йўл-йўриқ ўргата-яймиз, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Р.Нодиров.

Семинар машғулотлари кизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар асосида ўтди.

МУХБИРИМИЗ

**Mahalla**  
Табрият манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида  
0019 рақами билан рўйхатга олинган.  
Нашр кўрсаткичи: 148

Хотин: «Матбуот тарқатуви» ҳиссадорлик жамияти

www.mahalla.uz  
Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.  
E-mail: mahalla.uz@rambler.ru

Телефонлар:  
Қабулхона — 136-53-93  
Тел/Факс: — 133-44-25  
Масъул котиб: 136-53-75  
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.А.» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

**Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган мўддати учун обуна давом этмоқда. Шошилсиз! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.**

# Байрамимиз кутлуг бўлсин, тортишимиз хотин-қизларни

Фаргона вилояти

## КҲМИТА ВА ЙИГИН: ҲАМКОРЛИҚДА МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

**Мустақиллик йилларида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, аёлларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сўбсий фаолигини, давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунда жойлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти ҳам эътиборга молик.**

Бувайда тумани хотин-қизлар кўмитасида бугунги кунда 11 нафар раёсат аъзолари ва 31 нафар фаол аёллардан иборат бошқарув аъзолари иш олиб бормоқда. Улар нафақат давлат ва жамоат ташкилотлари, балки ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик ўрнатган. Ушбу ҳамкорлик самарасини аниқрақ, маҳалла маслаҳатчилари фаолиятида кузатиш мумкин.

Айни пайтда тумандаги мавжуд 50 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида бой ҳаётий тажрибага эга бўлган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юритаяпти. Улар алоҳида хизмат хоналари, керакли жиҳозлар, фаолиятига доир турли қўлланма ва адабиётлар билан таъминланган.

Маслаҳатчилар фаолиятида дуч келинаётган муаммоларни бартараф этишда туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, маслаҳатчиларнинг малакасани ошириш мақсадида ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниб, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва ижтимоий муҳофазасига оид қонун ҳужжатлари ҳамда ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳияти тўлиқ тушутириляпти.

Кўнғирот, Бегобод, Алқор, Узумзор қишлоқ ва Масла-

ҳат, Кўрғонча ҳамда Озод маҳалласи фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари Рисолатхон Қурбонаов, Нодирахон Олимжонаова, Оминахон Усмонова, Гулнаҳона Имомқуллова, Обидохон Ҳожиёва, Манзурахон Зиётова ва Мақсудахон Исматилаеваларнинг фаолиятини ҳар жиҳатдан намуна қилса арзийди.

Кўмитамиз маслаҳатчилар билан ҳамкорликда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оналик ва болалиқ ҳамда ёшлар таълим-тарбияси сингари долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Туманда бандлик муаммосини ҳал этиш мақсадида "Тадбиркор аёл" уюшмаси вилоят бўлими, вилоят Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, солиқ бошқармалари, банклар ва савдо-саноат палатаси вакиллари иштирокида махсус ўқув-семинар ташкил қилинди. Тадбирда ҳудуддаги 140 нафар тадбиркор аёл қатнашди. Натижада улар кўмағида 1113 та янги иш ўринлари яратилди.

**Мастураҳон ЗИЯЕВА,**  
Бувайда тумани ҳокими ўринбосари,  
туман хотин-қизлар кўмитаси раиси.

## «КАМОЛОТ» МАЛИКАЛАРИ



**СУРАТДА:** мусобақа ғолиблари сирдарёлик Камола Сатторова ва Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидан Ольга Ким.

**Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш жамғурида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган стол теннис бўйича "Камолот" маликаси мусобақаларининг республика босқичи якуналанди.**

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тадбир Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Финал босқичида фаол иштирок этган уч нафар иштирокчиларнинг маҳалласида "Камолот" теннис клуби очилади. Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 10-маҳалла, Жиззах вилояти Жиззах туманидаги Оқ олтин ва Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Катта ҳаёт маҳаллалари ана шундай совринга сазовор бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси


Қашқадарё вилояти Касаначилик — аёллар учун фаолият маскани

## ҲАМ ОИЛАГА, ҲАМ КОРХОНАГА

Алмагулнинг "Саховат" и Ишбилармон Алмагул Шониёзова бундан 8 йил олдин меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатиш мақсадида 12-йўналиш бўйича махсус бригада ташкил қилган эди.

**Президентимиз Вазирлар Маҳкамасидаги 2006 йил якуналарига бағишланган йиғилишда мамлакатимизда касаначилик ҳақида фикр билдирар экан, шундай деди: "Биз хатта сармоя, маблағ талаб қилмайдиган касаначиликни йўлга қўйиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва ускуналарни қўлидан иш келадиган одамларга, оилаларга бердик. Натижада 60 минг одам, 60 минг оила кўшимча даромадга эга бўлди... Улар энди ўз оиласи, болалари олдига бошини кўтариб яшайди, эл-юрт, Ватан равақига ўз ҳиссасини қўшади".**

Алфия Эгамбердиева Қарши шаҳридаги Равоқ маҳалласида истикомат қилади. Алфия тикувчилик, каштачилик, қуроқчилик, гилам тўқиш сирларини пухта ўрганган.



Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қўллар қатори Эгамбердиевалар оиласига ҳам катта имкониятлар яратиб берди. У ўтган йил май ойида "Қарши пахта тозалаш" очик ҳиссадорлик жамияти билан меҳнат шартномаси тузди. Бу-юртмага асосан теримчилар учун этак, ичиқларнинг устки ва бош кийимлари, чарм сумкалари тикиб берди. Натижада 8 ой давомида

оилга 500 минг сўмдан ортик қўшимча даромад келди.

— Касаначиликнинг ташкил этилиши боис ўтган йили 15 киши ишли бўлган эди, яқинда яна 5 киши саноат

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш жамоатчилиги фондининг моддий ва техникавий қўмағида тайёрланди. Лойиҳа номи: "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сонли "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини амалга ошириш қараёни мониторинги".

\* Бошини кўтариб яшайтган аёл.  
\* 8 ойда 500 минг сўм даромад.  
\* Касаначиликда яратилган имкониятлар — ижтимоий ҳимоя кўришидир.

## МАСЛАҲАТЧИГА MASLAHATCHI

Бухоро вилояти

**Ташкилотчилик, тибиб-тинчмаслик Ҳамрогул опага хос хислат. Маҳалла юмушисиз у зерикиб қолади. "Маҳалла" жамғармаси Шофирқон тумани бўлими ходими Ҳамрогул Ашурова ҳақида маҳалла фаолларининг фикри ана шундай.**

Ҳамрогул опанинг асли касби ўқитувчилик. Ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан кўп йиллар сабоқ берган. Умрининг йилгирма йилдан ортироқ даври эса туман халқ таълими бўлимида раҳбарлик лавозимларида кечди. Қалмақон маҳалласи фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси сифатида жамғарманин туман бўлими билан ҳамкорлик ўрнатганига бор-йўғи тўрт йил бўлди. Жорий йил бошдан бундан эса жамғарманин туман бўлимида маҳаллалардаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари билан ишловчи мутахассис вазифасида фаолият юритиб келаяпти.

Ўтган шу қисқа фурсат ичида маҳалла фаолларида Ҳамрогул опа ҳақида юқоридагидек ижобий фикр пайдо бўлганлиги бежиз эмас, албатта. У ўзининг сидқидилдан қилган меҳнати, жамоатчилик иши учун елиб-юғуриши эвазига шундай ҳурматга эришганига ҳеҳ шубҳа йўқ. Опаниннг яна бир фазилати вақти беҳуда ўтказмаслиги, унинг ҳар бир дақиқасидан фойдаланиб қолишга интилишидир.

Ҳамрогул Ашурованиннг иш тартиби билан яқиндан танишиб, шундай фикрга келасиз. Тадбирларни ўтказишда Ҳамрогул опа ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан. Маҳаллаларда иш юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган комиссиялар, хотин-қизлар кенгаши раислари билан тез-тез учрашиб, улардан амалий ёрдамни аямайди.

Ҳамрогул Ашурова ўтган йили жамғарма томонидан ўтказилган "Энг ибратли хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллаган эди. Бу ҳам Ҳамрогул опаниннг фаолиятига берилган холис баҳо ҳисобланади. Айни кунларда эса ҳахрамонимиз 8-март — Хотин-қизлар куни ва "Наврўз" умумхалқ байрами тадбирларини ўтказиш ташвишлари билан банд.

Ҳамроз АЛИ,  
"Mahalla" мухбири.

## «САВОБ ИШЛАРДА ҲИССАМИЗ БЎЛСИН»

— дейди Янгиободнинг саховатпеша конкуяри

...Ёш болалар нозирон аёлга туман ҳоқимлиги томонидан бир хонали уй берилди. Лекин уйда яланғоч тўрт девордан ўзга нарса йўқ, на сантехника жиҳозлари, на газ плитаси. Хуллас, уё бошдан-оёқ таъмирталаб аҳволда эди. Нозирон аёлнинг бунга қурбн етмаганидан уйга кўчиб ўтолмай ижарада яшарди. Мухаббат опа бу аҳволдан хабар топи-ю, тедада уша хонадонда таъмирлаш ишлари бошланди. Таъмир ишларига етгач, рўзгор учун керакли бошқа жиҳозлар келтирилди: газ плитаси, музлатгич, идиш-товоқлар... Мухаббат опаниннг келини уйнинг дерзаларида мослаб пардалар тикди. Кўп ўтмай, нозирон аёл фарзанди билан уйга кўчиб ўтди, бир неча кунгача унинг кўзларидан миннатдорчилик ёшлари оқди...

Мухаббат Рахимова пойтахтинг Ҳамаза туманидаги Янгиобод маҳалласида қарийб 18 йилдан буён хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси лавозимида ишлаб келмоқда. Кейинги тўрт йил мобайнида эса тумандаги "Оила" маркази ишини бошқармоқда. Шу боисдан Хотин-қизлар байрами арафасида Мухаббат опа билан кечган суҳбатимиз нафақат инсоний фазилатларнинг хосияти, балки бугунги кунда аёлларнинг жамият қурилиши, оила мустаҳкамлиги ва ёшлар тарбиясидаги ўрни хусусида кечди.

— Маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иш бошлагач, айрим жойларда хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятидаги қизгинлик биров сустилашгандек бўлди...

— Бизнинг фаолиятимизда эса бунинг айнан акси бўлди, яъни бу лавозим жорий этилган, фаолиятимиз янада қизғинлашди. Ахир маслаҳатчи лавозими жорий этилган, хотин-қизлар билан ишлашда яқин ҳамкорга эга бўлдик. Менимча, ҳаммаси ишининг қандай ташкил этилишига боғлиқ. Маҳалламизнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Матлуба Абиева билан биргаликда иш режасини тузганимиз, яна биргаликда бу режаларни амалга оширганимиз. Барча тадбирлар юзасидан йигинимиз раиси Хурсанали Тоҳидов билан кенгашганимиз, у киши ўз ишига фидойи инсон. Ичимиз тез унади, чунки мақсадимиз бир — маҳалламиз фуқароларининг, жумладан, хотин-қизларнинг маърифатли, сиёсий, ҳуқуқий билимини, ижтимоий фаол бўлишларини истиямиз. Туман "Оила" маркази ишини ҳам шу йўналишда ташкил этганимиз. Тез орада марказнинг янги биноси битди, янги бинода маданий-маърифий тадбирларимиз янада қўлайиб, қамрови кенгайиши аниқ. Бундан ташқари, "Ота-оналар институти"ни ташкил қилмоқчимиз. Ҳозиргача бундай институтлар пойтахтининг бешта туманида

ташкил этилган. Бу ҳам аёлларимизнинг маънавий-ижтимоий салоҳиятини ошириш, ёшларни тўғри тарбиялаш, айнақса эҳ қизларимизни ҳаётга тайёрлашга қаратилган тадбирлардан бири.

— Маълумки, оилавий можаролар асосида кўпинча қайнона-келини муносабатлари ётади. Бундай пайтда биров ёш келинини айбласа, яна кимдир қайнонадан гина қилади. Шундай можаро муҳокама этилаётган пайт сиз қандай фикр билдирасиз?

— Ёш келинчақ бу ўринда бизнинг кўмагимизга муҳтож бўлади, албатта. Негаки, ёш келини осилоби бир ниҳол, янги хонадонда идиш этиб олгунча қайнона уни ширин сўз, тарбия билан парваришлаши лозим. Бу ишни қайноначилик ҳеч қачон эгилмайди. Баъзида арзимас бахона можарога сабаб бўлади. Келин тумани мазаби тайёрлай бўлмас эмиш. Шунда қайнонага секин шилшайман: "Ўғратинг, вазимлик билан тушуниринг". "Ҳо, нега мен ўргатаман, қиз ўстирган онаси ўргатсин эди!" Бундай муносабат ёш оилга дарз тўшириши ҳеч гап эмас. Бу гаплар турмушининг майданга жихатлари бўлиб қуринадан, оила мустаҳкамлигига олоқдор бўлгани учун жамиятимиз ҳаётида аҳамиятлидир. Шу боис қизларимизни оилавий ҳаётга тарбиялаш масаласига жиддий ёндашишимиз даркор. Қолаверса, турмуш фақат таом пиширишдан иборат эмас, ёш



Маҳалланиннг фаол аёллари байрам арафасида

майти. Бирор сабаб билан ноҷор аҳволда қолган кишига энг аввало, ҳамдардик, оқибат керак. Ширин сўз унинг кўнглини кўтарса, моддий кўмак мушкулени осон қилади. Имкони бор одам бирова моддий, маънавий кўмак кўрсатишдан қочмаслиги керак, менимча.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган ҳам бежиз эмас. Мамлакатимиз миқёсидаги бу тадбирларнинг негизида инсонларнинг ўзаро олижаноб, меҳрли, оқиланли бўлишларига алоқабат бор. Инсонларни бирлаштирадиган, ҳамжиҳат қиладиган куч бу оқибатлар, деб бекорга айтмаган доғимиздан қоринимиз. Шахсан менинг болагимни урушдан кейинги йилларга тўғри келган. Отамиз урушда ҳалок бўлган, олти фарзанди катта қилгунча онам озмуна заҳмат кечмаган. Уша давр одамлари оч-наҳор, юпун юриш

машаққатларини кўп тортишган. Уруш қаҳатчилик келтирган уша йилларда бир бурда нон бир кунлик емиш эди. Нон дўконига навабга туриш кеңаси соат 2-3 да бошланарди. Ақаларим билан тонггача навабга туриб, кун пешиндан оққач, нон ололмай уйга қайтган кунларимиз кўп бўлган. Лекин бир бурда нон топила, тенг бўлишардик. Мана, мустақил юрдада яшаётган, ҳукуматимиз, Президентимиз томонидан одамларнинг меҳнат қилиши, яхши яшаш учун имкониятлар яратилган.

Ушим 39 йил ўқитувчилик қилдим. Фарзандларим кўп қорига ярайдиган инсонлар бўлиб ўлғайдиши, ҳар бири халқ хизматини муносиб эдо этмоқда. Шу кунларга етганимиз шукронасига фарзандларим, оиламиз даромадидан ноҷор кишиларни баҳоликларга қўллаб-қувватлаб турамиз. Боқувчисидан айрилиб, фарзандларини бирқўлликда катта қилаётган бева аёлларни қўрсан, айниқса ачинаиб кетаман. Албатта, ундайларга давлатимиз томонидан ҳам моддий ёрдам кўрсатилади. Шу сабоб ишга оиламизнинг ҳам улуғи қўшилсин, деб уларнинг биром оғирини енгли қилишга интиламиз. Қолаверса, муқаддас динимизда ҳам муруватлилик мусулмон одамга фарз, деб таъкидланган.

Мавлуда ҚОСИМОВА  
суҳбатлашди.

Азиз онахонлар, она-сингалар, Ватанимиз, халқимиз келажиги учун қизфидо хотин-қизлар, 8 Март — Хотин-қизлар байрами билан сизларни муборакбод этамиз.

«Маҳалла» жамғармаси

## Юртимизда Наврўз таратдуи — ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давом этмоқда

### 10-11 март — умумхалқ хайрия ҳашари кунлари

Самарқанд вилояти

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Наврўз умумхалқ байрами арафасида муҳим санаот иншоотлари ва ижтимоий объектлардаги курилиш ишларини вақтида яқунлаш учун қилинаётган саъй-ҳаракатларни айтишнинг мавзуси.

Юқоридаги Қарор бандларига мувофиқ байрам тадбирларини молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларимизда маҳаллий бюджет ҳисобидан, жумладан, пойтахтда республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳисобидан амалга оширилиши Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан жорий йилдаги Наврўз байрамини муносиб нишонлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ифодасидир. Наврўз энг қадимий ва асл қадриятларимиздан бири бўлиб, у том маънодаги умумхалқ байрамга айнан мустақиллик йилларида айланган. Байрамнинг мазмун-моҳиятию фалсафасини кенг омма онгига, айниқса, ёшларимиз шуғурига синдириш лозимлиги Қарорда алоҳида

таъкидланган. Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, 10-11 март кунлари юртимизда бўлиб ўтадиган умумхалқ хашаридан тушган маблағлар «Меҳрибонлик», «Саховат», «Муравват» уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг молиявий аҳолини ва моддий-техник шароитини яхшилашга йўналтирилади. Бу тадбирнинг «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви тизими орқали амалга оширилиши ҳам ушбу қарорда белгилаб кўйилган. Демак, мамлакатимиздаги барча вазириклар, идоралар ва мулкчилик шакли турлича бўлган ташкилотлар муассасалари ишчи-хизматчиларининг бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳри бўлимлари ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблағлар йил давомида юқорида қайд этилган тадбирлар учун ва Қарорда кўзда тутилган бошқа мақсадлар йўлида сарфланади.  
Наврўз фалсафаси неча минг йиллардан буён одамзотни ўзаро меҳр-оқибатли ва ҳамжиҳат яшашга чорлаб келмоқда. Айнан ана шу фазилатлар жамаиятимиз тараққиётида асосий ўрин тугиши бу ҳужжатда ўз аксини топган.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Самарқанд тумани Охунбобоев номи қишлоқ фуқаролар йиғинида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари алақачон бошланган эди. Йиғин ҳудудига юздан ортиқ терак қаламчалари ва арча кўчатлари ўтқазилиб, ариқ-зовурлар тозаланди. Дарахтар оқланди, уларга шакл берилди.

## АВВАЛ ҲАШАР, СўНГ КЕНГАШ...

11 та маҳаллани ўз ўрамыга олган мазкур қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда 33,5 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Айни пайтда бу ерда 4 та қишлоқ врачлик пункти, 6 та мактабгача таълим муассасаси, 43 та хусусий савдо дўкони ва 12 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси фаолият юритаяпти.  
Қишлоқдаги ободонлаштириш ишларини амалга оширишда, албатта, ҳомийлар ва қишлоқ аҳолисининг ҳиссаси катта. Хусусан, ҳашар йўли билан Қўштамғали, Жўйи сой ва Пулимғоаб маҳаллаларидаги 3-4 километр

масофадаги йўлга тош тўкилиб, текисланди. Галаосиё маҳалласидаги 2 километр йўл асфальтланди. Қозиларқанда эса маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли бино қайта таъмирланди. Баъзи маҳаллаларга янги қувурлар тортилиб, газ, сув таъминоти яхшиланди. Бундан ташқари, йиғин ҳудудда янги спорт ўйингоҳи ҳамда Каттархона маҳалласида янги мактаб биносининг қурилиши маҳалла болаларига кўрсатилаётган гамхўрлик намунаси.  
— Қишлоқ аҳли юртимизда ўтказилган умумхалқ хашарига ҳам қизгин ҳозирлик кўрмоқда, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аслам Турдиев.

**Рустам ХАЙИТОВ,**  
«Mahalla» мухбири.

## Наманган вилояти ЭНДИ НАВБАТ ГУЗАРГА

Тоза ариқдан тоза сув оқади, дейди доно халқимиз. Бу нақлга амал қилган Чуст туманидаги Карнон қишлоғи аҳолиси март — ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасидаги ишларни «Тоға — Карнон» йўналишидаги 8,5 километрлик бетон ариқни тозалашдан бошлади.

Юзлаб дехқон-боғбонлар, ўқитувчи-ўқувчилар фаол иштирок этган мазкур хашарга фермер Аҳмадали Аскарлов бошқош бўлди.

Энди қишлоқ аҳли ҳам, Аскар ота номи фермер ҳужа-лиги ерлари ҳам оқар сувдан баҳраманд бўлмоқда.

**Содиқ САЙХУН,**  
«Mahalla» мухбири.

## Андижон вилояти КўРИК-ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси Ижтимоий ҳимоя йилида вилоят маҳаллаларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини кенг кўламли ташкил этиш, жинойатчиликнинг олдини олиш, намунали милиция таянч пунктларини ташкил этиш ва бу ватанпарварлик ҳаракатида вилоятдаги барча аҳоли, хондонлар, милиция таянч пунктлари ҳамда меҳнат жамоаларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида шу йилнинг февраль, март, август ойларида «Энг намунали маҳалла фуқаролар йиғини ва милиция таянч пункти» кўрик-танловини ўтказмоқда.

Унда «Маҳалла» жамғармаси шаҳар ва туман бўлимлари, шаҳар, туман ички ишлар бўлимлари, барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда милиция таянч пунктлари иштирок этади.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи шаҳар ва туман миқёсида ўтказилиб, унинг ғолиблари «Маҳалла» жамғармаси шаҳар ва туман бўлимлари ҳамда туман ички ишлар бўлимлари, шунингдек, ҳомийлар томонидан рағбатлантирилади.

**Узокбой САКСОНБОВ,**  
«Mahalla» мухбири.

## Жиззах вилояти САХОВАТ ДЕБОЧАСИ

Ижтимоий ҳимоя йилида республикамизнинг бошиқ жойларидаги каби вилоятда ҳам аҳолининг эҳтиёжманд қатламга моддий ва маънавий ёрдам бериш ишлари қизгин тус олган. Жумладан, яқинда «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими томонидан Пахтакор тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Булбула-Асад» номи мактаб-боғчасига 929,5 минг сўмлик 110 тўплам қоғаз етказиб берилди. Бундан ташқари, ўтган икки ой давомида жамғарма бўлими ҳомийлигида Зомин туманидаги «Ён» муруват уйидаги носирлар 560 минг сўмлик қийим-бош билан таъминланди.

— Ижтимоий ҳимоя йилида хайрли ишлар қамровини янада кенгайтириш ниятидამиз, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими масъул ходими Феруза Каримова. — Шу босдан ҳам жойлардаги вакилларимиз орқали кенг аҳоли қатлами орасига кириб борган ҳолда хайрия ёрдамлари ташкил этмоқдамиз.

Дарҳақиқат, «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурида белгиланган ваазифалар ижросини таъминлаш учун бўлим ходимлари энг шимариб ишга киришган. Бугунги кунгача вилоят бўйича жами 51 миллион 281 минг сўмлик хайрия ёрдами ташкил қилинган бўлса, шундан 34 миллион 69 минг сўми айнан жамғарманинг вилоят бўлими ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса жорий йилдаги хайрли ишларнинг дебочасидир.

**Д.ЖўРАЕВА,**  
«Mahalla» мухбири.



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

**Ялловган хабар**  
Қорақалпоғистон Республикаси

## «УСТЮРТ» ликлар МАВСУМГА ШАЙ

«Устюрт» — «Қорақалпоқ Қорақўл» бирлашмаси таркибидаси мавжуд 8 та қорақўлчилик ихтисослашган ширкат хўжаликлари орасида энг йирийдир. Устюртнинг бепоён йиловларида хўжалиқнинг 38158 бош қўй-қўзилари боқилаяпти.

Шундан салкам 17 минг боши совлиқлардир. Бундан ташқари, 249 бош туйлар, 366 бош йилқилар мавжуд. Бу йил қиш мавсуми нисбатан илик келгани боис моллар 20 кун олдин ёзги йиловларга қўчирилди. Қуз фаслидаёқ мустаҳкам ет-ҳашак базаси яратилиб, шароитларни ҳисобга олган ҳолда чўпон ва подачиларга тақсимланди.

— Молларнинг зооветеринария қоидалари асосида боқилиши натижасида шартномавий режаларимизни мунтазам равишда бажармоқдамиз, — дейди ширкат хўжалиги раиси Бекқурсин Муханов. — Ўтган йилини, айниқса, қувонarli кўнгуладик. Жумладан, 16741 бош қўзи олинди. Улардан салкам 5

минг боши ўстиришга қолдирилди. 25 бош бўта, 13 бош қўлон олинди, ўстиришга қолдирилди. 44 тонна сифатли жун тайёрланди. 2475 дона қорақўл тери олинди. Бухородаги «Қорақўлтери» заводига жўнатилди. Айни пайтда 68 та отарлардаги чўпон-чўликлардан, подачилардан бош зоотехнигимиз Я.Раҳматов бошичилигидаги бир гуруҳ мутахассисларимиз тез-тез хабар олиб туришибди, зарур ҳолларда амалий кўмаклар беришаяпти.

«Устюрт»даги мураккаб ҳолатларда меҳнат қилаётган чўпон-чўликларга, подачи ва йилқибоқарларга зарур шароитлар яратиб берилган.

**Асил БЕК,**  
«Mahalla» мухбири.

Андижон вилояти

## МАВЗЕЛАР ОБОД БЎЛМОҚДА

«Андижонни кўркем ва обод вилоятга айлантирайлик» шиори остида ўтаётган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида вилоят марказидаги кўп қаватли турак-жойлар мавзелари аҳолиси ҳам фаол иштирок этмоқда. Биринчи маҳалла фуқаролар йиғини ўраимидаги 69 та кўп қаватли уйларда саккиз миңдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирга қадар ана шу уйларда яшовчи аҳоли ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудларни тозалаб, дарахт ва буталарни тартибга келтириб, гуллар экиб, янада файзли қилишга эришмоқдалар.

— Айниқса, Вероника Пугина, Мадаминжон Кўқонбоев, Насиббахон Билолова, Хавоҳон Эш-назаровалар бошқарувчи бўлган кўп қаватли уйларда барча ишлар мақтагулик даражада, — дейди 2-маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулчароҳон Маматхонова. — Ободончилик соҳасида амалга оширилиши зарур ишларимиз анчагина, кичик бозорчамизни тартибга келтиришимиз, замонавий ахлатхоналар қуришимиз, болалар майдончаларини қайта тиклашимиз зарур. Бунинг учун ҳомийларимиз бор, бу ишларимизни Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байраминига тугаллаймиз.

**МУХБИРИМИЗ**

Сурхондарё вилояти

## Суранг, жавоб берамиз

Савол:

### ТОПАРМОН АЛИМЕНТ СЎРАСА...

Уртамизга совуқчилик тушиб, хотиним билан ажрашиб кетдик. Елғиз фарзандимиз ҳам у билан қолди.  
Хотинимнинг топиш-тутиши меникидан яхши. Аммо шундай бўлса-да, у мендан алимент тўлашни талаб қилаяпти. Бу ўринда моддий аҳолини инсониятга олинадимми?

Жавоб:

### ...НАЗАРДА ТУТИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР БОР...

«Алимент тўлаётган ота (она)нинг бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда уша болалар алимент олаётган болаларга нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўлаётган ота(она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб қолаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда алимент миқдори суд томонида қамайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент олаётган ота ёки онанинг моддий аҳолини ҳисобга олиб, тўлаётган алимент миқдорини қамайтириши ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Алимент миқдорини қамайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тўғрисида манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда ундирилиши талаб қилиб, судга муурожаат этишга ҳақли.»

(Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 105-моддаси.)

ООО «TRANSFORMSTROY» Ҳамзинского р-на уменьшает Уставной капитал с 170 673 110 (сто семьдесят миллионов шестьсот семьдесят три тысячи сто десять) сум до 147 329 000 (сто сорок семь миллионов триста двадцать девять тысяч) сум.

ООО «INTERNET KONSALT» Чиланзарского р-на уменьшает Уставной капитал с 5 000 000 (пять миллионов) сум до 750 000 (семьсот пятьдесят тысяч) сум.

## Кишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолиятдан

# АНГОРНИНГ КАЙРОНИДА...

Ангор туманидаги Кайрон қишлоқ фуқаролар йиғини ўраимида Ангор, Марказ, Кайрон, Маданият, Қўштегирмон маҳаллалари мавжуд. Мирза Рустамов — қишлоқ йиғини раиси.

Оқсоқол аҳоли турмуши фаровонлиги, қишлоқ ободончилиги йўлида тинмай меҳнат қилади. Бу йил йиғини икки километр узунликдаги ариқлар қазилди. Саккиз минг туп кўчат ўтқазилди. Ҳашарга жалб этилган одамлар қаторида қишлоқ раиси ҳам кетмон кўтариб, сув йўларини очди, равонлаштириди, кўчат учун чуқурлар қазди.

Айрим қишлоқлардаги ерлар захлаб кетган эди. Шу боис, уруқ қадалган майдонларда экин етишмай, одамлар меҳнати зое кетарди. Оқсоқол Мирза Рустамов ички ва ташқи зовурларни қазиб, тозалаш лозимлиги тўғрисида фермерларга муурожаат қилди. Натижада М.Абдуллаев, У.Хўшобқов, М.Эсанов сингарти фермерлар ҳомийлигида

зовурлар тўлиқ тозаланди, ернинг шўри қочирилди.

Каттақум даҳасида яна ҳаёт жонланди. Қишлоқ одамлари хашарга чиқди. Маҳалла йиғини раислари ҳамда қишлоқ оқсоқол раҳбарлигида амалга оширилган тадбирлар тўғрисида кўчма муддатда қуриб ишга туширилган 8,5 километр узунликдаги Қорағатош каналидан ҳозирда беш юз хонадон, олтига фермер ҳўжалиғи фойдаланмоқда.

Йўл — қишлоқ инфратузилмасининг таркибий қисми. Кайронда бу тармоқни ривожлантириш тадбирлари қўрилаяпти. Йиғирма олтига ички йўлдан ўн олти таси таъмирланди. Бу иш хашар йўли билан амалга оширилди. Транспортиларнинг сарф-ҳаражатино ҳолатбарор фер-

мерлар қоплашди.

Шарифа Қурбонванинг асл касби муҳандислик. У ўзини тадбиркорлик соҳасида синаб кўрди. Дўкон очди, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилди. Иши юришиб кетган тадбиркор сўнгра фермер хўжалиғи ташкил этишга жазм этди. Бунинг учун аввал маблағ жамғарди, техника ва меҳанизмлар хозирлади. Сўнг танловда қатнашиб ғолиб чиқди. Ажратилган 22 гектар ерда пахта билан бирга беда етиштириши ҳам йўлга қўйди. Бунинг боиси бор: у фермер ҳўжалиғида чорва молларни боқиб билан ҳам шуғулланмоқда.

Ана шундай пайтда Шарифа Қурбонванинг эмигагина яна бир масъулиятли вазифа тўғди.

Омон ШУКУРОВ,  
«Mahalla» мухбири.



## Ўзбекис-тонлик «Маугли»

«Яқинда Сазагон қишлоғи яқинидан йўл қурувчилари бир болани топиб олишди. Самарқанд вилояти Нуробод туманида туғилган боланинг туғилган уйи саккиз йил давомида қаерда бўлганини ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ», дея хабар беради туман прокурори Фарҳод Абдухалиқов.

Унинг сўзларига қараганда, бу ўсмир йиғит ўзини ёввойилашган одамдек тутапти. Боз устига, оддий инсонлар каби сўзлашишни ҳам билмайди. Хуқуқ-тартибот органлари ходимлари унинг 1998 йилда — 6 ёшли чоғида йўқолган бола эканлигини аниқлашди. Уша пайтда ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган, бироқ у ҳеч қандай натижа бермаган эди.

«Боланинг шахсини аниқлашда экспертлар аввало унинг қиёфасини йўқолган пайтдаги сурати билан солиштириб қўришди. Сўнгра боланинг ота-онасини тақлиф қилишди ва улар бир хил ёшдаги бир неча болаларнинг орасида ўз фарзандларини қўраштирди», — дейди Ф.Абдухалиқов.

Шунингдек, прокурор боланинг ўз оиласига қайтарилишини маълум қилди. Айни пайтда эса мутахассислар унга гапиришни, жаматчилик орасида ўзини қандай тутишни ўргатиш билан бирга боланинг ўтган давр ичиде қаерда ва қай тарзда яшаганлигини аниқлашга ҳаракат қилмоқдалар.

«Боланинг қаерда бўлганлиги қўнчиликни қизиктираётганини аниқ. Ахир, аҳоли зич жойлашган бу ҳудуднинг тоғларига беркинби юриш, яъни шунча пайт аҳолининг назарига тушмаслик жуда қийин», — дейди туман прокурори сўзини ақцулар экан.

**«Press-uz.info»**

Тошкент вилояти

**“ОРЗУ” даги ОРДЕНЛИ ОПА**



**Пискент тумани марказидаги Навоий номи маҳаллада жойлашган 7-сонли “Орзу” мактабгача таълим-тарбия муассасасида болажонлар тажрибали ва ғамхўр тарбиячилар эътиборида.**

**30 йилдан бери мазкур болалар боғчасида тарбиячи бўлиб фаолият юритиб келаётган Мукаддас Худойқулова Мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида II даражали “Соғлом авлод учун” орденига муносиб, деб топилди.**

**СУРАТДА:** тарбиячи М.Худойқулова болажонлар билан.  
**Султонбой ДЕХҚОНОВ** олган сурат.

Карор ва ижро

Наманган вилояти

**МИЛЛИЙ ҒОЯ — ТАРҒИБОТДА**

**Маънавий-маърифий тарғибот ишлари аини пайтдаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги Қарорида аинан шу масалага жиддий эътибор қаратилган эди. Вилоятда бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда.**

— Мақсадимиз, — дейди Республика Маънавият тарғибот марказининг ҳудудий раҳбари Зиёвуддин Мансуров, — фуқароларимизни, айниқса ёш авлодни юксак ахлоқий руҳда тарбиялашни кучайтириш ҳамда мустақиллик туйғули мамлакатимиз ҳаёти, халқимиз турмушида рўй бераётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига янада кенг-роқ тунштиришдан иборат. Шу мақсадда ўтказган тадбирларимизда виллоятимизнинг илғор эътиборли бизга яқиндан ёрдам бериб келишди. Айниқса, Наманган шаҳри, Уйчи, Чортқот, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон туманларида учрашув ва мулоқотлар юқори савияда ўтказилди.

**СОДИҚ САЙХУН,** “Mahalla” муҳбири.

Спорт

Қорақалпоғистон Республикаси

**“ЖАЙҲУН” БИРИНЧИ ЛИГАДА**

Беш йил танаффусдан кейин Қорақалпоғистон вакиллари футбол бўйича Ўзбекистон биринчи лигаси мусобақаларида катнашаётган бўлди. Нукуснинг “Жайҳун” жамоаси Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон жамоалари мусобақасида ғолиб бўлиб, шундай ҳуқуққа эришди.

**АСИЛ БЕК,** “Mahalla” муҳбири.

Эҳтиёткорлик — шарт!

**ОЛОВ ЁВ БЎЛМАСИН, ДЕСАНГИЗ...**

**Мирзо Улубек туманида жорий йилнинг дастлабки ойида ёнғин билан боғлиқ 12 та кўнгилсиз ҳодиса кузатилади ва унда бир киши оғир жараҳатланиб яна бир киши вафот этди.**

Энг ачинарлиси, воқеаларни таҳлил қилганимизда маълум бўладики, ёнғин содир бўлишига кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари сабабли бўлишган. Негаки, ўз вақтида эълит чоралари қўрилмагани боис, ёнғин бошланганда кўпчилик саросимага тушиб қолади ва нима қилаётганини ҳам унутиб қўяди. Лекин бундай вазиятда энг тўғри чора — саросимага тушмаслик.

Агар ёлғиз бўлсангиз, банд овоз чиқариб қўшилларни ёрдамга чақиринг. Оловни тўхтата олишга қурбанингиз этмаслигини сезганингизда эса зудлик билан “03” рақамига қўнғирқот қилинг ва лўнда қилиб манзилнингиз ва хавфли ҳудудда одам бор-йўқлигини айтишни унутманг.

Электр қуввати билан ишлайдиган техникалар

Бу фақат ҳазил

**“ҚОРА МАРВАРИД”**

- Дадаси, байрамда менга нима совга қилмақچисиз?
- Бу сир, олдиндан айтмайман.
- Жон دادаси, айтақолинг, жуда билгим келаяпти-ди.
- Битта “Қора марварид”.
- Вой, дидажоним-эй, ростданми, шу сўзингиз чинми, ноҳотки...
- Ёнма қуноммасанг, худди умрингда вино ичиб қўрмаганга ўхшайсан-а.

**СОВҒА ТАНАЛАШ**

- Хотинга қандай совга қилсангиз, эрингиз уни ҳам шу совғидан бахранимдан бўлиши мумкин? Қани; ушларлар, ўйланглар-чи, ким таниётин чиқарсин?
- Ароқ.
- Арқини ҳеч бир хотин совга уринди тан олиб, қабул қилмайди.
- Дармаз.
- Унда дармаз бўлса-чи?
- Эртасига чиқариб сотсам бўлади-ди.

Нормамат ТОВА

Обидгалар кечмиши

**Буюк давлат арбоби, саркарда ва бунёдкор Амир Темир ўз вақтида Мовароуннахрнинг кўп ерларида мухташам бинолар ва азиз авлиёлар қабрлари устига мақбаралар қурдириб, юртни ободонлаштирди, гуллаб-яшнапти. Чунки, Яссиди Хожиа Аҳмад Яссавий қабри устига Қорахонийлар томонидан қурилган ноҳоргина хонақоҳ ўрнига буюк ва салобатли мақбара қуришга фармони олий берганили ҳам унинг бу каби ишларидан бир мисол.**

**ХОНАҚОҲ ЎРНИГА ТИҚЛАНГАН САЛОБАТЛИ МАҚБАРА**

**ёки Ясси шахридаги мақбара тарихи**



эса икки тонналик, “хафтқўш” (олтин, қумуш, қўроғош, темир, мис, қалай ва симоб аралашмасидан иборат катта дошқозон ўрнатилган. Бу 1393-1399 йиллар давомида Туркистон шахридан 25 км узоқликда жойлашган Қарнок қишлоғида уста Абдулазиз ибн Шарофиддин Табризий томонидан қўйилган. Аҳмад Яссавий мақбараси девори, эшиклари, шамдонлари ва қабртошлардаги ёзувлар, дошқозондаги битиклар ҳақида 1895 йилда П.Ахмеров (1868-1900 й.й) ўз таржималарини эълон қилган. У ўйма мақбаралиги айрим

давомида кўпгина ёзувлар ўзининг асл ҳолатини йўқотган бўлса-да, аммо уларнинг асосий қисми, жумладан, жамоатхона ва қорхона эшиклари устидаги ўймаорлик нақшлар сақланиб қолган. Мақбара узн гишиқ гишт Туркистоннинг шимолидаги Саврон қишлоғида тайёрланган. Фишлар қурилиши ишига жалб этилган жонли йўлак орқали қўлмал Туркистон шахрига етказилган. Мақбара турли ўлчамдаги 35 та хоналардан иборат. Бино умумий сатҳининг узулиги — 65,5 метр, эни — 46,5 метр, баландлиги 37,5 метр бўлиб, гўмбазнинг айланаси — 182, умумий сатҳи — 330 квадрат метрни ташкил этади. Мақбара кираверши равоқли ва банданд гумбазли пештоқдан иборат. Ундан марказий хона — қозонликка ўтиради. Жамоатхона (“қозонлик”)га қуриладиган икки табақали нақшкор эшикнинг бўйи — 3,9 метр, эни — 2,1 метр бўлиб, пештоқнинг марказий қисмида ўрнатилган. Марказий хонадан кейин шайх Хожа Аҳмад Яссавий дафн этилган “гурхона”га ўтиради ва иккита йўлак орқали масжид, кутубхона, ошона, икки қаватли катта ва кичик Оқсарой, қудуқхона, ўрта йўлакли ёрдамчи хоналарга ўтиради. “Қозонли хона”нинг марказида бўйи — 158 см, диаметри — 243 см, вази

тот Исаздин Тождиддин ўғли Исофахонийнинг номи битилган. Шарқшунос М.Бекчуриннинг ёзишча, мақбарани Хожа Аҳмад Яссавий сағанасидан ташқари, қозоқ султонларидан Кичик Урта хони Абулхайрон ва унинг хотини Робиябегим (Темурнинг эвараси — Уллубекнинг қизи), Урта Урда хони Абулхайр, номаълум шахзода Бобо Йўлбарс-ота қабрлари ҳам бор.

Афсуски, бундай мухташам бино босқинчилик урушлари, тохташ ва ўзаро жанжаллар вақтида анча зарарланиб, емирилиб кетиш хавфи остида қолган. 1864 йили Чоризм қўшинлари томонидан мақбарани қарата кетма-кет отилган ўқлар зарбидан мақбаранинг ўн бир жойи қаттиқ шикастланган, бинонинг тўрт жойини замбарак ўқи тешиб ўтган. Мақбаранинг айрим жойлари анча вақтга чата тузатишмай, ўз ҳолича ташлаб қўйилган. 1872 йилга келиб, мақбара атрофларидаги ахлатлар ва қолдиқлар олиб ташланади. 1884 йили ерли аҳолидан йиғилган ва Чор ҳукумати ажратган 15000 сўм ҳисобига бинонинг айрим жойлари таъмирланди.

Утмишга дахлдор бинокорлик ёдронликларини давлат муҳофазасига ўтказиш ишлари фақат XX аснинг иккинчи ярмида амалга оширилди. 1957-1960 йилларда мақбарани Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент ва қўнлик қўлга усталар таъмирлаб, биного қайта ҳаёт бағишладилар.

1993 йилдан бошлаб Қозоғистон ва Туркия давлатлари маданият вазирликлари ўртасида турзилган шартномага мувофиқ Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини Туркия ҳукумати ҳомилийи ва бево-сита иштирокида таъмирлаш ишлари кенг йўлга қўйилди. Туркия ажратган 25 миллион АҚШ доллари ҳисобига мақбаранинг, пой-деворидан то гумбазгача тўлиқ таъмирлашга эришилди.

**Гулсара ОСТОНОВА,** тарих фанлари номзоди.

Деворий ўймакор нақшлар ичидаги ёзувларда оятлар ва ҳадислардан иқтибослар келтирилган, қуфи ва сулс хатидаги ларчаларда нақшоҳ Хасан Шерозийнинг номи ўйиб ёзилган. Қабрхона гўмбазининг нақшлари уста Абдулавоҳоб Шерозий чизган; дошқозон сиртидаги шакл ва ёзувлар хатот Абдулазиз Сарвариддин (Шарофиддин) ўғли Табризий томонидан баҳариланган. Жамоатхона ва қабрхона эшиклари, ҳалқалари ва шамдонларда уларни ясаган уста хат-

**ТИЛАНЧИ... У РОСТДАН ҲАМ НОЧОРМИ?**

**Қайси кун шаҳар ичидаги йўловчи автобусларидан бирида кетаётганимизда, бир тиланчи йигит бекатдаги аёллар ва катта ёшдаги кишиларни уриб-суриб, автобусга тикилди.**

Эрталабдан ҳамма ишга, ўқийга шошилаётгани табиий. Ҳатто бир неча йўловчи автобусга сиймай, қолиб кетди. Автобус жойидан қимирлагач, халиги йигит ўзининг юртимизнинг узок туманидан келгани, онаси касалдан вафот этгани-ю, ўзининг ачча ноғирон (эътибор беринг) укасига бош бўлиб қолгани, отаси эса уларни аллақачон ташлаб кетгани ҳақида банданд овозда гапира кетди. Кимдир садақ берди, айримлар терс қараб олди. У автобуснинг бошидан охиригача юриб, тикилишдан қимнингдир оёгини босди, қимнингдир жигига тегиб, хуллас, “насиба”сини йиғиб, кейинги бекатда тушиб қолди.

Шунда ёнмадига иккита аёлнинг сўхтаб қулоғига чалинди:

— Шу тиланчи бола автобусга чиқмаганда, унинг ўрнига ишга шошиб турган бир кишининг ҳожаги чиқиб, манзилига етиб олган бўлар эди.

— Жойи келганда булар чўнтакни ҳам “уриб кетиш”дан тоймайди...

Ёши 25-30 лардаги бир

Ҳар сафар “Соппа-соғ экан, ишласа дунё топади-я” деган фикр ҳам ҳаёлимиздан ўтади. Бази кишилар муҳтож бўлиб сўраганининг раийни қайтарма, деб ҳадисларда ёзилган, қабилда мулоҳаза юрийтиб, хайр-эҳсон қилваради. Ҳадисларда шундай ёзилганини ўқиган, билган киши, наҳотки ҳақиқий муҳтож билан номуҳтожнинг фарқига бормаса!

Олдинлари гадоий дейишса, кўз олдимизга, халқ тили билан айтиганда, “лули”лар келар эди. Энди эса, уларнинг “усул”и анча “мода”дан қолди. Замонавий қилиб айтганда, уларнинг “бозори касодга учради”.

“Фалончи оч қолгани учун маҳалладошлари қувиб солибди”, деган гапни асло эшитмаганми. Чунки ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни маҳалладошлар ёлғиз қолдирармиди? Бозорларга киришда ўтган-кетганга кўл чўзиб турган кимсалар эса гапнинг келтирадиди. У ҳақиқатдан ҳам муҳтож бўлганда кўни-қўшни ва маҳалладошлар қараб туришармиди?!

Хуллас, тиланчиларнинг бу ҳаракатларини кўриб, уларнинг мақсади, ўзлари айтганидек, “битта нонга пул топиш” эмас, осон йўл билан йўмай-гина даромд дўғиш эканини инкор этгинг келмайди, киши.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,** талаба.

Ҳар сафар “Соппа-соғ экан, ишласа дунё топади-я” деган фикр ҳам ҳаёлимиздан ўтади. Бази кишилар муҳтож бўлиб сўраганининг раийни қайтарма, деб ҳадисларда ёзилган, қабилда мулоҳаза юрийтиб, хайр-эҳсон қилваради. Ҳадисларда шундай ёзилганини ўқиган, билган киши, наҳотки ҳақиқий муҳтож билан номуҳтожнинг фарқига бормаса!

Олдинлари гадоий дейишса, кўз олдимизга, халқ тили билан айтиганда, “лули”лар келар эди. Энди эса, уларнинг “усул”и анча “мода”дан қолди. Замонавий қилиб айтганда, уларнинг “бозори касодга учради”.

“Фалончи оч қолгани учун маҳалладошлари қувиб солибди”, деган гапни асло эшитмаганми. Чунки ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни маҳалладошлар ёлғиз қолдирармиди? Бозорларга киришда ўтган-кетганга кўл чўзиб турган кимсалар эса гапнинг келтирадиди. У ҳақиқатдан ҳам муҳтож бўлганда кўни-қўшни ва маҳалладошлар қараб туришармиди?!

Хуллас, тиланчиларнинг бу ҳаракатларини кўриб, уларнинг мақсади, ўзлари айтганидек, “битта нонга пул топиш” эмас, осон йўл билан йўмай-гина даромд дўғиш эканини инкор этгинг келмайди, киши.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,** талаба.

**Маҳалла**

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати:

- Анвар АХМЕДОВ,
- Акнал САИДОВ,
- Нигматилла АБДУЛЛАЕВ,
- Бобур АЛИМОВ,
- Рустам ҚОСИМОВ,
- Раҳмон ҚУЧҚОР,
- Таънаберди ҚУРБОНОВ,
- Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир уринбосари)
- Мавлада ҚОСИМОВА, (масъул котиб)
- Бахтиёр РИЗАЕВ,
- Шухрат РИЗАЕВ,
- Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Тахририят ўзи буюртма бермаган ҳолда тахририятга келган мақоладардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Тахририят бундай мақоладардан газета саҳифасида фойдаланмаганини ҳисобга олмайди.

Тахририятга келган шикоят мактубларидан фақат тахририят нуктаи назари бўйича фойдаланилади. Тахририят унга ечим яраш масъулиятига эга эмас.

Газета тарғиботи учун ҳақми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета тахририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

- Телефонлар:** Кабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75, Котибиёт — 136-53-69, Хатлар бўлими: 136-57-62